ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

# «МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОРХОНАЛАРНИ, МУАССАСАЛАРНИ, ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

## *Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. АЛИМОВА доклади*

Депутат ўртоқлар! Сессиямизнинг иши жуда масъулиятли ва муҳим даврда ўтмоқда — беш йилликнинг биринчи йили тугамоқда, унинг иккинчи йили марралари белгиланмоқда. Бутун мамлакат меҳнаткашлари каби республикамизнинг меҳнат аҳли ҳам партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаши ва маъқуллашини, беш йилликнинг иккинчи йили учун янада юксак марраларни эгаллашга интилишини зарбдор иш билан изҳор қилмоқда.

Белгиланган қайта қуришни ва жадаллаштиришни амалга оширишда инсон омилини кучайтириш, омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ошириш, меҳнаткашларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма масалаларини ҳал этишга кенг миқёсда жалб этиш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Совет ҳокимияти эндигина дунёга келган пайтда В. И. Ленин меҳнаткашларни давлатни кун сайин бошқаришга жалб этишни янги тузумнинг улуғвор афзаллиги, деб ҳисоблаган эди. Буни у коммунистик ўз-ўзини бошқаришнинг энг муҳим шартларидан бири деб билган эди.

М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида қилган Сиёсий докладида «Социалистик демократияни, унинг ҳамма томонлари ва кўринишларини янада ривожлантирмай туриб, жамият тараққиётини жадаллаштириб бўлмайди ва жадаллаштиришнинг иложи йўқ», деб жуда аниқ-равшан қилиб таъкидлади. Бунда меҳнат коллективи алоҳида роль ўйнайди, меҳнат коллективида инсон омили тушунчаси жуда тўлиқ ва яққол намоён бўлади, ҳамма моддий ва маънавий қадриятлар вужудга келтирилади, халқнинг турмуш даражасини муттасил ошириш юзасидан партия белгилаган вазифалар амалга оширилади, совет кишисининг юксак маънавий принциплари шаклланади.

Меҳнат коллективининг мана шу юксак вазифаси, катта ҳуқуқлари ва ваколатлари меҳнат коллективи тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамлаб берилган. Бу Қонун дунёда биринчи мана шундай ҳужжат бўлиб, тузумимизнинг меҳнатсеварлик ва демократик табиатини ифодалайди.

Ҳозир партия XXVII съезди қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун курашнинг олдинги марраси меҳнат коллективидадир, давлат планларининг тақдири шу ерда ҳал этилади, меҳнаткашларнинг шахсий манфаатлари умуман жамият манфаатлари билан уйғун равишда бирга қўшилиши таъминланади.

Ҳозир, ҳамма жойда ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва янги техника билан қуроллантириш учун кураш кучайиб бораётган бир пайтда, халқ хўжалиги хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплаш изига кўчирилаётган бир пайтда меҳнат коллективининг барча иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишдаги аҳамияти беқиёс ошиб бормоқда.

Шу муносабат билан республикада меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунни қўлланиш, барча ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ҳал этишда меҳнаткашларни бевосита ва кенг миқёсда қатнаштириш практикасини анализ қилиш муҳим ва актуалдир.

Қонун қоидаларидан фойдаланиш меҳнат коллективларини давлат планларини ишлаб чиқиш ва бажаришга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хўжаликларни социал ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга, ишловчилар учун меҳнат қилиш, яшаш ва дам олиш шароитларини яратиб беришга, уларни коммунистик тарбияга кенгроқ жалб этиш имконини берди.

Республикадаги бир талай корхоналар, хўжаликлар, ташкилотларда Қонун тўла куч билан амал қилмоқда. Улар орасида Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатини кўрсатиш мумкин. Бу ерда план-топшириқларини белгилаш пайтида ҳар бир цехнинг резервлари, ишчиларнинг, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг таклифлари эътиборга олинмоқда. Бригадалар мажбуриятларни олдиндан кенг муҳокама қилиб, бригадирлар кенгашида ҳимоя этилганидан кейингина қабул этмоқдалар. Қабул этилган мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари бригадалар ичида ҳар куни, бригадалар ўртасида ҳар ўн кунда, цехлар ўртасида ҳар ойда чиқарилмоқда. Меҳнат интизомини бузувчилар коллектив йиғилишида, бригадирлар кенгашида муҳокама қилинмоқда.

Корхонада унумли меҳнат қилиш учунгина эмас, шу билан бирга меҳнаткашларнинг соғлигини яхшилаш, уларнинг дам олиши учун ҳам зарур шароитлар яратилган. Кўпгина социал масалаларни коллектив ўз кучи билан ҳал этмоқда, санаторий- профилакторийлардан, маданият саройидан, пионер лагери, стадион, сузиш ҳавзаси ва дам олиш зонасидан самарали фойдаланмоқда.

Меҳнатчилар тўғрисидаги мана шундай ғамхўрлик туфайли комбинатда кадрларнинг қўнимсизлиги деярли йўқ даражага келтирилди, иш вақтининг зое ўтиши мунтазам равишда қисқариб бормоқда, планлар ва социалистик мажбуриятлар стабил равишда бажарилмоқда.

Бошқа бир мисол. Наманган область Косонсой районидаги колхозлар, совхозлар, корхоналарнинг меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш учун ўзларини амалда масъул деб ҳис этмоқдалар, ишлаб чиқаришни ўстириш, социал соҳани ривожлантириш ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу ерда саноат, капитал қурилишдаги, давлатга пахта, пилла, гўшт, сут, сабзавот, мева топширишдаги планларнинг бажарилиши таъминланди. Меҳнат коллективларининг қарорига биноан стадион, маданият ва истироҳат боғи, мактаб, маданият уйи қурилди.

Қонун меҳнат коллективларининг ваколатлари орасида иқтисодий ва социал планлаштириш соҳасидаги ҳуқуқларни биринчи ўринга қўйди. Кейинги йилларда республиканинг кўпгина корхоналарида иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг лойиҳалари бригадалар, цехлар ва участкалар меҳнат коллективларининг йиғилишларида кенг муҳокама қилина бошлади. Ўн иккинчи беш йиллик плани ҳамма жойда муҳокама қилинди, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тўғрисида бир неча минг таклиф тушди.

1987 йил плани лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлар меҳнаткашларнинг юксак активлиги билан ўтди.

Бироқ республикада бир қанча корхона ва ташкилотлар борки, уларда планларнинг лойиҳалари, қонун қабул қилинишидан аввал бўлганидек, меҳнат коллективларини кенг жалб этмасдан, маъмурият ва жамоат ташкилотлари вакилларининг тор доирасида, жуда кечикиб муҳокама қилинмоқда.

СССР Госплани билан ВЦСПСнинг тавсияларига хилоф равишда кўпгина министрлик ва идоралар меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилинмаган планларнинг лойиҳаларини корхоналардан қабул қилиб олишни давом эттирмоқдалар.

Планларга тузатиш киритишдан иборат ярокциз практика ҳамон давом этмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмидагина 120 дан кўпроқ корхонанинг плани қарийб 100 миллион сўмлик миқдорда камайтириб берилди. Бу нарса меҳнат коллективларига маълум қилинмади. Ҳолбуки, қонуннинг 6-моддасида «маъмурият планларга киритилган ўзгартишларнинг сабабларидан меҳнат коллективларини хабардор қилиши керак» деб равшан қилиб айтиб қўйилган.

Планларни меҳнат коллективлари билан узвий алоқада ишлаб чиқиши лозим бўлган шаҳар ва район план органлари ўз ишларини меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни талаблари асосида қайта қуриб олмадилар.

Меҳнат коллективларининг куч-ғайратлари ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, маҳсулот сифатини ошириш, мавжуд қувватлардан тўла-тўкис фойдаланиш, ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни жорий этиш, шартномавий мажбуриятларни сўзсиз бажариш масалаларига етарли равишда сафарбар қилинмаяпти. Корхона ва ташкилотларни икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш суст давом эттирилмоқда, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли кўп бўлган шароитда бундай иш режимига ўтиш иқтисодий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, шу билан бирга социал, сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир.

Қурилишда ишчиларнинг, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг куч-ғайратлари капитал маблағ ва ресурсларнинг сочилиб кетишига, эскирган лойиҳаларни қўлланишга ва қурилиш давомида лойиҳаларни кўп марталаб ўзгартиришга чек қўйишга, сермеҳнат жараёнларни механизациялашга ҳали сафарбар қилингани йўқ.

Кўпгина областлар, районлар, колхозлар, совхозлар давлатга пахта топшириш, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш планларини бажармаганлиги маҳаллий Советларнинг, хўжалик, касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари меҳнат коллективларини руҳлантира олмаганликларини, ўртага қўйилган мақсадларга эришишда уларнинг ташаббусидан фойдалана олмаганликларини кўрсатиб турибди.

Колхозлар, совхозлар, агросаноат комплекси барча бўлинмалари, касаба союз ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифаси ҳамма жойда интенсив технологияни жорий этишда, суғориладиган ҳар гектар ер самарадорлигини оширишда, сувни тежаб-тергаб сарфлашда, чорвачиликдаги ишларни кескин яхшилашда меҳнат коллективларининг активлигини оширишдан иборат.

Қонуннинг кучи социалистик мусобақани ташкил этишга янги мазмун бахш этади. КПСС Марказий Комитетининг ўн иккинчи беш йилликда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида Совет Иттифоқи меҳнаткашларига қилган Мурожаатномасига жавобан 900 мингдан кўпроқ ишчи, 45 минг бригада Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди.

Шу билан бирга мусобақа теварагида ҳали ҳам дабдабабозлик, беҳуда ҳовлиқиш ва шовқин-сурон, расмиятчилик кўп. Химия, электр техника, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатининг бир қанча корхоналарида мусобақани ривожлантириш вазифалари ҳаддан ташқари суст ҳал этилмоқда. Натижада планларгина эмас, ҳатто мажбуриятлар ҳам камайтириб белгиланмоқда, улар меҳнат коллективларини барча резервларни сафарбар қилишга рағбатлантирмайди.

Улуғ Октябрнинг юбилей йили социалистик мажбуриятлари узил-кесил ишлаб чиқилаётган ҳозирги вақтда бу ишни кенг демократик асосда ўтказиш, ҳар бир ишчи, колхозчи, инженер-техник ходимни, барча меҳнат коллективларини резервларни қидириб топишга сафарбар этиш ғоят муҳимдир. Бу ишда касаба союз ташкилотлари ташаббускорлик қилишлари лозим. Бироқ ўз-ўзини танқид асосида шуни тан олиш керакки, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, касаба союзларининг республика комитетлари ва область Советлари мусобақани ташкил этишдаги иш услуби ва методларини ҳали ҳам секинлик билан қайта қурмоқдалар, меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунда бериб қўйилган ҳамма ҳуқуқлардан фойдаланмаяптилар.

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун ишлаб чиқаришни бошқаришда бригадаларнинг имкониятларини анча кенгайтирди. Фақат саноат ва қурилишда бригадаларга бирлашган 640 минг киши ишни планлаштириш ва ташкил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш, бригадирларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш каби муҳим масалаларни ҳал қилишда қатнашмоқда. Афсуски, янги типдаги бригадаларни ривожлантиришга дуруст эътибор бермаётган раҳбарлар ҳали ҳам оз эмас.

Бригада пудрати қурилишда юзага келган бўлса ҳам, бу тармоқда кенг ривожланмаяпти. 7, 165-қурилиш трестларида, «Самаркандхимстрой» трестида бултур пудрат усулида бажарилган ишлар ҳажмининг улуши 1981 йилдагидан камайди. «Узбекшахтострой» ва 14-трестларда пудратга жалб этилган ишчилар сони камайди, «Узградострой» бирлашмасида пудрат бригадаси ҳар бир ишчисининг иш унуми пасайди.

Меҳнатни нормалаш, унга ҳақ тўлаш ва илғорларни мукофотлаш масалаларида ҳамма корхоналарда ҳам Қонун талабларига риоя этилаётгани йўқ. Масалан, Маҳаллий саноат министрлигининг Фарғонадаги бадиий тикув фабрикасида каштачилар бригадаси иш нормасини қайта кўриб чиқиб, уни бирмунча ошириш ташаббуси билан чиқди, маъмурият бу ташаббусни қабул қилиб, жорий этди, аммо лозим бўлган мукофот пулини тўламади, шу тариқа ишчиларнинг ташаббуси рағбатлантирилмай қолди.

Нефть, нефть химияси саноати, чорвачилик машинасозлиги тармоқларининг бир қанча корхоналарида, балиқ хўжалигида иш ҳақини ошириш суръатлари меҳнат унумдорлиги ўсишидан илгарилаб кетмоқда.

Ҳозир, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг иш ҳақини ташкил этишни такомиллаштириш, халқ хўжалиги тармоқларидаги ходимларнинг янги тариф ставкалари ва мансаб окладларини жорий этиш тўғрисидаги қарори қабул этилган бир пайтда бу муҳим социал вазифани амалга оширишда меҳнат коллективларининг роли ҳар қачонгидан ҳам кўтарилмоқда. Бу иш хўжалик, совет ва касаба союз органларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан амалга оширилиши керак.

1987 йил январидан бошлаб халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқлари хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказилади. Бирлашма ва корхоналарни пул билан ўзини ўзи таъминлашга ва ўзини ўзи қоплашга ўтказиш асосида уларнинг мустақиллик чегаралари анча кенгайтирилади. Хўжалик юритишнинг янги усуллари ўз маблағлари ҳисобида ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш ишида меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириб, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондини уй-жой, мактабгача тарбия болалар муассасалари, пионер лагерлари, даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектларни барпо этишни пул билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бирига айлантириш имконини беради.

Хўжалик юритишнинг янги усуллари меҳнат коллективининг ҳар бир аъзоси ҳар тийин пулни ҳисоблашни ўргансин, бу пул қаёққа сарфланаётганини билиб турсин, деб талаб қилади. Бу ишда касаба союзлари иқтисодий ўқишнинг, коммунистик меҳнат мактабларининг кенг имкониятларидан фойдаланишлари, семинарлар, мунозаралар ўтказишлари, бу масалаларни доимий ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама қилишлари лозим.

Инсон омилини ҳар томонлама кучайтириш қайта қуриш муваффақиятининг энг муҳим шартидир. Партия одамларга кўпроқ ишонишни, уларнинг сиёсий онгини ривожлантиришни, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиш форма ва методларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг, меҳнат коллективлари йиғилишларининг фаолияти учун, коллектив шартномалар қабул қилиниши ва уларга риоя этилиши, турли комиссияларнинг, ихтирочилар ва рационализаторлар, илмий техника жамиятларининг иши учун касаба союз органларининг масъулиятини ошириш зарур.

Қуйидан бўлаётган ташаббусни активроқ қўллаб-қувватлаш, ишчилар, колхозчилар, хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак. Қонун қабул этилган пайтдан буён республикада меҳнатни муҳофаза этиш тадбирларига 450 миллион сўм маблағ сарфланди, бу эса пландагидан анча кўпдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва унинг шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга ёндашиш бирмунча ўзгарди, бу масалалар комплекс ҳал этилаётган корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар тобора кўпаймоқда. «Қизил тонг», «Узбексельмаш», «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар шу жумлага киради.

Йил бошидан буён Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, касаба союзларининг советлари ва комитетлари, 7 минг 500 тадан кўпроқ корхона, ташкилот, қурилиш, хўжаликда меҳнат ва ишлаб чиқаришга оид маиший шароитларнинг ҳолатини ўргандилар. Жиддий камчиликлар аниқланди. Касаба союз комитетлари ва ташкилотлари ҳозир корхоналарнинг ярмисига яқинида зарур маиший шароитлар йўқлигига, айрим жойларда меҳнат қилиш учун хавф-хатарсиз шароитлар яратиб берилмаганига тоқат қилмасликлари керак.

Бу масалада қурилиш ташкилотларидаги ишлар айниқса ёмон аҳволда. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 7, 10, 13, 14, 165, 166-қурилиш трестларининг кўпчилик объектларида, Гулистон, Жиззах, Бухоро уйсозлик комбинатларида ишларни бажариш лойиҳалари йўқ, қурилиш технологияси бузилмоқда, қурилишларнинг атиги ярми қулай асбоблар ва якка тартибда ҳимоя воситалари билан таъминланган. Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли корхоналарда меҳнат шароитларининг аҳволи бундан яхши эмас.

Қўл меҳнатини қисқартириш юзасидан белгиланган план-топшириқлар ҳам бажарилмаяпти. Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, республика саноати ва қурилишида қўл меҳнати билан шуғулланувчи ишчилар сони 216 минг кишини ташкил этади; ҳақиқатда эса бундан 4—5 баравар кўп киши қўл меҳнати билан шуғулланаётганлиги иш жойларини паспортлаш вақтида аниқланди.

Қонунда меҳнат коллективларининг ишловчи аёллар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш соҳасидаги ваколатлари алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. Хўжалик органлари уларга соғлом ва хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак. Аммо 100 мингга яқин аёл ҳали ҳам ноқулай шароитларда меҳнат қилиб келмоқда, уларнинг қарийб бешдан бир қисми тунги сменаларда ишламоқда. Чорвачилик фермалари сут соғувчиларининг 99 проценти кунига 12—15 соатлаб ишламоқда, улар шанба нимаю, дам олиш куни нималигини билмайдилар, баъзан уларга отпуска ҳам берилмайди. Хўжаликларнинг раҳбарлари уларнинг меҳнатини икки сменали иш режимига ўтказишни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан олиб бормоқдалар.

Қонуннинг қоидалари социал страхование, меҳнаткашларнинг соғлигини яхшилаш, санаторий-курорт хизматини, пенсия ва нафақалар билан таъминлашни яхшилаш масалаларини ҳал этишда меҳнат коллективларининг ваколатларини кенгайтирди. Шу мақсадда ҳар йили давлат республикага бир миллиард сўмга яқин маблағ ажратмоқда. Шу билан бирга иш қобилиятидан вақтинча маҳрум бўлиш сабабли иш вақтининг зое ўтишини камайтиришда эришилган натижаларни мустаҳкамлашга ҳамма меҳнат коллективлари ҳам эриша олганлари йўқ.

Корхоналар, ташкилотлар меҳнаткашларнинг социал эҳтиёжлари учун керакли маблағни ўз вақтида ҳисобга ўтказишни ҳамиша ҳам таъминлаётганлари йўқ. Натижада меҳнаткашлар пенсия, нафақаларни ўз вақтида ололмаяптилар, санаторий-курортларда даволанишга жўнаб кета олмаяптилар. Республикада хўжалик органларининг страхование взнослари юзасидан жами қарздорлиги ҳозиргача 19,5 миллион сўмни ташкил этди, шу жумладан Давлат агросаноат комитети 10 миллион сўм, Қурилиш ва Бинокорлик материаллари саноати министрликлари 7 миллион сўм қарздор бўлиб қолдилар.

Совет, хўжалик органлари, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги тегишли касаба союз комитетлари билан биргаликда меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, медицина хизматини, касалликларнинг олдини олишни яхшилаш, «Сиҳат-саломатлик» комплекс программасини бажариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришлари лозим.

Қонуннинг меҳнаткашлар уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш проблемаларига оид моддаларини бажаришга алоҳида эътибор бермоқ керак.

Ўзбекистон металлургия, Наманган машинасозлик, Самарқанд химия заводларининг, Урганч ёғ-мой комбинатининг меҳнат коллективлари Горький автомобиль заводи коллективининг 1995 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш юзасидан бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватлаб, уй-жой проблемасини илдамроқ ҳал этиш тадбирларини белгиладилар ва амалга оширишга киришдилар. Маҳаллий саноат министрлиги ўз маблағлари ҳисобидан ўн иккинчи беш йилликда уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар қуриш тадбирларини кўрмоқда.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай қилинаётгани йўқ. Кўпгина корхоналар, бирлашмаларнинг, республика органларининг, область, шаҳар ва районларнинг раҳбарлари бу масалаларда давлат капитал маблағи ва марказлаштирилган фондлар ҳисобигагина иш қилишни ўйлаб, ички резервлардан фойдаланишни хаёлларига ҳам келтирмаяптилар. Кооператив уй-жой қуриш планлари биронта ҳам областда бажарилмаяпти. Якка тартибдаги қурилиш эса белгиланган режаларнинг 20 процентидан ҳам кам.

КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифани — 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этиш учун республикада ҳар йили сал кам 15 миллион квадрат-метр уй-жой қуриш зарур. Меҳнат коллективлари номидан Госпландан, Госснабдан, қурилиш министрликларининг раҳбарларидан моддий базани ва пудратчи қурилиш ташкилотларини мутаносиб ривожлантиришни эътиборга олиб, беш йилликнинг қолган йиллар планларини ишлаб чиқиш вақтида бу масалани ҳал этишнинг иложини топиш учун ҳамма резерв ва имкониятларни синчиклаб ўрганиб чиқишларини илтимос қиламиз. Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети эса хўжалик усулида, корхона ва хўжаликларнинг маблағлари ҳисобидан уй-жой қурилишини ривожлантириш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар қилади.

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонуннинг моддаси корхона, ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларига уй-жойни тақсимлаш вақтида уй-жой қонунларига риоя этилишини контрол қилиш, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш соҳасидаги иш ҳақида совет, хўжалик ва касаба союз ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда тинглаб туриш ҳуқуқини беради. Меҳнат коллективлари шу ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланишлари эса ижроия комитетларига, хўжалик раҳбарларига, касаба союзларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва ташкил этиш масалаларига жуда зўр эътибор берилиши керак. 408 та колхоз ва совхознинг меҳнат коллективларида оддий маиший хизматнинг атиги бир-икки туригина кўрсатилаётганига, 49 та колхоз ва совхозда эса ҳеч қандай маиший хизмат йўқлигига асло йўл қўйиб бўлмайди. Кўпгина корхоналар, қурилишлар, хўжаликларда умумий овқатланиш, айниқса парҳез таомлар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилмаган. Савдо корхоналарининг ишида жиддий камчиликлар бор. Ишчилар контроли комиссиялари эса бу камчиликларни кўриб-кўрмасликка олмоқдалар.

Қонун одамларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий жиҳатдан ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини кенгайтирди. Яқин ўтмишда кенг оммалашган салбий ҳодисалар касаба союзларига ҳам таъсир қилганлиги сабабли бу ҳуқуқдан фойдаланиш айниқса муҳимдир. Ҳозир вазият яхшиланмоқда. Кўпгина меҳнат коллективларидаги тарбиявий иш хўжалик фаолияти натижаларига, улардаги соғлом маънавий-психологик иқлимни вужудга келтиришга тобора кучлироқ таъсир қилмоқда.

Қўқон суперфосфат заводида тарбиявий тадбирларнинг бутун комплекси — ижтимоий-сиёсий ўқишлар, халқ университетлари, очиқ хатлар кунлари, сиёсий кунлар, фан ва техника ҳафталари, интизом ва иш сифати кунлари, ишлаб чиқариш илғорларининг слётлари, мана шу ва бошқа кўпгина иш формалари пировард натижада план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга қаратилган. Аммо ҳамма меҳнат коллективларида ҳам аҳвол шундай эмас.

Қонундаги 23 моддадан 6 таси социалистик меҳнат интизомига тааллуқлидир. Коллективларга меҳнат интизомини мустаҳкамлашда катта ваколатлар бериб қўйилган, аммо улар бу ваколатлардан ҳозирча тўла-тўкис фойдаланмаяптилар. Халқ хўжалиги тармоқларида прогуллар сабабли иш вақтининг зое ўтиши секинлик билан камаймоқда. Прогуллар сабабли Қорақалпоғистон автоном республикасида, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё областларида, электр техника саноати, химия машинасозлиги, Балиқ хўжалиги давлат комитети корхоналарида иш вақтининг зое ўтиши кўпайди. Ана шуларнинг ҳаммаси партиянинг социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини изчиллик билан ўтказиш, бу ишда меҳнат коллективларининг ролини ошириш, дангасаларга, прогулчиларга қарши жамоатчилик фикрини актив равишда вужудга келтириш, коллективларда интизомни бузиш имкониятига йўл қўймайдиган вазиятни вужудга келтириш зарурлигидан дарак беради.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмдек иллатга қарши умумхалқ курашининг социал аҳамияти бениҳоя катта. Ҳозиргача бу соҳада анча иш қилинди, аммо буни катта ва масъулиятли ишнинг бошланиши деб билмоқ керак. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари бу ишдан четда турмасликлари керак.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги қарорларини бажаришда меҳнат коллективлари ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Айни меҳнат коллективлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда жиноий фаолиятнинг ҳамма формаларига — ўғриликларга, порахўрликка, чайқовчиликка, пул йиғишларга, қилинмаган иш учун пул тўланишига, ўринсиз мукофотлар берилишига тўсиқ қўйишлари керак.

Тарбиявий тадбирлар системасида маданий-маърифий муассасалар ва спорт иншоотларига катта роль ажратилмоқда. Кейинги вақтларда бу муассасаларнинг ишида бироз силжиш рўй берди. Бироқ кўпгина клублар, маданият уйлари ва саройлари, спорт иншоотлари ишининг даражаси КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мос келмайди. Республика аҳолининг клуб муассасалари ва спорт иншоотлари билан таъминланиши жиҳатдан Иттифоқдаги ўртача даражадан орқада қолмоқда. Юзлаб клублар, маданият уйлари ва саройлари, кутубхоналар ноқулай, баъзан эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган.

Тарбиявий ишда кинонинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Республикадаги икки мингтадан кўпроқ аҳоли пунктида фильмлар намойиш қилинадиган жой йўқ. Аввало, олис қишлоқлар, чорвачилик фермалари шу жумлага киради. Бу жойларда доимий кино установка қурилиши йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан олиб борилмоқда.

Ижроия комитетлари касаба союз ташкилотлари, меҳнат коллективлари билан бирга оммавий физкультура ишини қайта қуришни муҳим иш деб ҳисоблашлари зарур.

Касаба союзлари, меҳнат коллективлари ижодий союзларнинг фаолияти хусусида, уларнинг корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар билан алоқалари хусусида бир қанча танқидий мулоҳазаларни ўртага қўймоқдалар. Санъат — меҳнат аҳлига хизмат қилиши керак. Ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ёзувчиларни, композиторларни, рассомларни, артистларни ўз ҳузурларида тез-тез кўриб туришлари керак.

Министрликлар, идоралар, ижодий союзлар жамоат ташкилотлари билан биргаликда оммага идеологик таъсир ўтказишнинг ҳамма воситаларидан фойдаланиб, оммавий-сиёсий иш, техникавий, бадиий ижодкорликнинг, болаларни, ўқувчи ёшларни, студентларни ва республика меҳнаткашларини жисмоний тарбиялаш ишининг ҳолатини мунтазам равишда комплекс кўрикдан ўтказиб туришлари ва бу ишнинг самарадорлигини кескин оширишлари лозим.

Бу проблемаларнинг ҳаммаси касаба союзларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси давомида яққол акс этди. Бу ҳисобот-сайловлар бу йил ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг активлиги ошган, меҳнат коллективларидаги ишларнинг аҳволи учун уларнинг масъулияти кучайган вазиятда ўтмоқда.

Республика олимлари: социологлар, меҳнат масалалари билан шуғулланувчилар, файласуфлар, жамиятшунослар меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонундан фойдаланишни кучайтиришда катта роль ўйнашлари мумкин.

Матбуот, телевидение, радио Қонунни пропаганда қилишда, унинг қоидаларини меҳнат коллективларининг ҳаётига жорий этишда ҳали чинакам ёрдамчилар бўлиб қолмаганликларини айтиб ўтмоқ керак.

Партия XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун меҳнат коллективларининг ташаббусини кучайтиришга ёрдам берди. Аммо у ҳали умид қилиш мумкин бўлган натижаларни бераётгани йўқ. Шу сабабли биз ҳаммамиз халқ депутатлари Советларининг, хўжалик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, касаба союзларининг куч-ғайратини бирлаштириб, Қонуннинг ҳамма моддалари тўла қувват билан ҳаракатга келадиган бўлишига, меҳнат коллективларининг ўз ваколатларига мувофиқ қабул этган қарорлари коллектив аъзолари учун ҳам, шунингдек маъмурият учун ҳам мажбурий бўлиб қолишига интилишимиз зарур.

Қонунни қўлланиш масалаларида меҳнат коллективлари маъмурий органларнинг, прокуратура ва судларнинг зарур ёрдами ва мададини ҳамиша ҳам ҳис этаётганлари йўқ. Бу органлар ўртоқлик судларига, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссияларига, меҳнат баҳслари комиссиялари ва бошқа органларга ҳамиша ҳам зарур амалий ва методик ёрдам кўрсатмаяптилар.

Депутат ўртоқлар! Республика касаба союзлари партиянинг инсон омили ролини оширишга оид кўрсатмаларини бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун қоидаларининг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши социалистик демократияни янада ривожлантиришга, республиканинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиши шубҳасиз.

---

### ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ ШУДГОР ҚИЛ!

**ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 8 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

(планга нисбатан процент ҳисобида)

| | |
|---|---|
| Оржоникидзе | 100,0 |
| Ўрта Чирчиқ | 100,0 |
| Чиноз | 100,0 |
| Тошкент | 100,0 |
| Пискент | 100,0 |
| Бекобод | 100,0 |
| Коммунистик | 100,0 |
| Янгийўл | 98,3 |
| Калинин | 97,7 |
| Бўстонлиқ | 97,6 |
| Ғалаба | 96,4 |
| Оққўрғон | 91,7 |
| Оҳангарон | 88,3 |
| Паркент | 82,5 |
| Бўка | 81,9 |
| Область бўйича: | 95,1 |

